2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

17 (619)

2008 йил 23 апрель

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

▶ Боғ боғдек яшнаб турсин!

▶ Зукко қиз кимга ёқмайди?

3

▶ Бугунги битирувчи эртага коллежда ўқийди!

▶ Бебошлиги бошига етди-ку...

4

▶ Рўйхатда биринчи, меҳнатда эса...

▶ Шайх Соғаржий ва Хитой маликаси

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 апрель куни расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасига келди.

ОСТОНА, 22 апрель (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи Остонадаги Оқўрда саройида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Юртбошимиз шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов ушбу ташриф ўзаро ҳамкорликка доир масалаларни, минтақавий хавфсизлик муаммоларини муҳокама қилиш учун яхши имконият эканлигини қайд этди. Ўзбекистон Қозоғистон билан ҳамкорлик алоқаларини юксак қадрлашини, Марказий Осиё минтақасидаги муҳим ва йирик шеригимиз бўлган ушбу мамлакат билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришини таъкидлади.

Нурсултон Назарбоев Ислом Каримовни Остонага расмий ташрифи билан самимий қутлар экан, бу борада Қозоғистон Ўзбекистон билан ҳамфикр эканини қайд этди.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг алоқалари узоқ даврларга бориб тақалади. Адабий меросимиз, урф-одат ва қадриятларимиз — умумий, тарих ва маданиятимиз — муштарак, тил ва динимиз — битта. Аждодларнинг нодир ва боқий мероси бўлган азалий ришталар, маънавий яқинлик бугунги кунда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги алоқаларда яхши қўшничилик, дўстлик ва қардошлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат намуналлари устувор эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2006 йил март ойида бўлиб ўтган Тошкент саммити чоғида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев икки мамлакат Президентлари раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш борасидаги келишув ўз ифодасини топган Қўшма баёнотга имзо чекдилар. Бу ўзига хос орган Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларга доир долзарб масалаларни тезкорлик билан ҳал этишга кўмаклашмоқда.

Оқўрдадаги суҳбат чоғида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилар эканлар, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг бу борадаги салоҳияти ҳали тўла ишга солинмаганини таъкидладилар. Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазам ўтказиб турилиши ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш, истиқбол режаларини кўриб чиқиш учун яхши имконият бериши, шу нуқтаи назардан, бугунги мулоқот муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Хавфсизликни таъминлаш борасида Президентлар ҳамфикр-дирлар. Терроризм, экстремизм, наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши каби таҳдидларнинг олдини олишда, уларга қарши курашишда ҳамжиҳатликда иш юритиш зарур. Бу ўринда Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ташаббуси минтақа давлатлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватлангани ва мазкур ғоя ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Қозоғистон икки ва кўп томонлама асосда ахборот хавфсизлиги, энергетик ва экологик хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамиятга эга соҳа экани инобатга олиниб, зараркунандалар ва ўсимликлар касалликларига қарши биргаликда курашиш йўлга қўйилган.

Ислом Каримов минтақавий хавфсизлик масалаларига тўхталиб, таҳдидларни бартараф этишда, муайян сабабларга кўра, асосий масъулият Ўзбекистон ва Қозоғистон зиммасида эканини таъкидлади. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон доимо минтақамиздаги барча мамлакатлар, биринчи навбатда, Қозоғистон билан яқиндан ҳамкорлик тарафдори бўлиб келганини алоҳида қайд этди.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Афғонистонда тинчлик қарор топиши Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим омилидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, 1997-2001 йилларда БМТ шафеълигида фаолият кўрсатган "6+2" мулоқот гуруҳи доирасидаги музокара жараёнини тиклаш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, Ислом Каримов бу таклифни НАТО/СЕАПнинг яқинда бўлиб ўтган Бухарест саммитида ҳам баён қилиб, Шимолий Атлантика альянсини бу гуруҳ фаолиятида иштирок этишга чақирган эди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Қозоғистон билан халқаро ташкилотлар доирасида ҳам алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори эканини, мамлакатларимиз ўзининг минтақавий сиёсатини мувофиқлаштириши, бунинг учун ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувларни йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади.

Президентлар мулоқоти Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Унда асосий диққат-эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларда 1997 йилда имзоланган Эркин савдо тўғрисидаги битимга амал қилинади. Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи жадал ўсиб бормоқда. Хусусан, 2006 йилда 39,1 фоизлик ўсиш қайд этилган бўлса, 2007 йилда ўзаро савдо ҳажми 63,3 фоиз юксалиб, 1 миллиард 193,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Яъни, 2007 йилда мамлакатларимиз илк бор 1 миллиардлик довондан ошди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бунда Ўзбекистоннинг ижобий сальдоси 129,5 миллион АҚШ долларидан иборат.

Ислом Каримов савдо-иқтисодий алоқалар давлатлараро муносабатларнинг асосий таркибий қисмларидан, ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилларидан эканини, Ўзбекистон ва Қозоғистон бу борада улкан имкониятларга эгалигини таъкидлаб, товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш учун экспорт-импорт маҳсулотлари номенклатурасини яна бир бор қайта кўриб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодий жиҳатдан бир-бирини тўлдиради. Масалан, Ўзбекистонда самолётлар, автомобиллар, автобуслар, юк ташиш машиналари, қишлоқ хўжалиги техникаси, кабеллар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, пахта, пилла, мева ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Демак, савдо-сотиқ соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун улкан фаолият майдони мавжуд.

Табиий ресурслар ҳам ҳамкорлик учун яхши имкониятдир. Нефть ва газ узатишда илмий ва амалий ҳамкорлик қилиш икки томон учун ҳам бирдек манфаатлидир.

Икки мамлакатнинг транспорт коммуникациялари эса халқаро транзитдан келадиган даромадларни кўпайтириш имконини беради. Автомобиль ва темир йўлларимиздан бир-бирига боғланган ягона умумий тизим сифатида фойдаланишни такомиллаштириш, экспорт-импорт ва транзит юкларнинг эркин ва тезкор ҳаракати учун шароит яратиш борасидаги ишларни изчиллик билан мувофиқлаштирилган асосда давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Ислом Каримов преференциялар беришни кўпайтиришни ҳам таклиф этди.

Мамлакатларимиз ўртасида 2006-2010 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури ва 2007—2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси қабул қилинган. Мазкур ҳужжатлар савдо, сув-энергетика мажмуи, сармоя, молия, транспорт, коммуникациялар, божхона ва инновация борасида икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини ўзида мужассам этган. Уларни ҳаётга тўла татбиқ этиш орқали товар айирбошлаш кўрсаткичини бир неча ҳисса орттириш мумкин.

Иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда қўшма корхоналар муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Қозоғистон сармоядорлари иштирокида тузилган 167 корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда Қозоғистоннинг 54 фирма ва компанияси, Қозоғистон Тараққиёт банки ўз ваколатхонасини очган. Қозоғистонда Ўзбекистон сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 94 корхона бор.

Музокарада таъкидланганидек, бу кўрсаткичлар мамлакатларимизнинг иқтисодий имкониятлари ҳамда илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти даражасида эмас. Ишбилармонлар, ишлаб чиқариш корхоналари, вилоятлар ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш зарур. Бунда савдо-саноат палаталари ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимдан қулай ҳуқуқий асос сифатида янада кенг фойдаланиш керак.

2006 йилда Президентлар, ўзаро савдо ҳажмини 1 миллиард АҚШ долларидан ошириш имконияти мавжудлигини таъкидлаб, тегишли вазирлик ва идораларга шу кўрсаткичга эришиш тўғрисида топшириқ берган эдилар. 2007 йилда бу вазифа муваффақиятли уддаланди. Бу эса олий даражадаги стратегик келишувларнинг барчасини рўёбга чиқариш учун изчил амалий ҳаракатларга киришиш зарурлигининг, шунда кўзланган марралар муқаррар забт этилишининг далилидир.

Икки мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти биргаликда юқори технологияли корхоналарни ташкил қилиш, юксак даражадаги қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун яхши замин бўлади. Маҳаллий хомашё мавжудлигини инобатга олиб айтиш мумкинки, айниқса, саноатнинг тўқимачилик, кимё, нефть кимёси каби соҳаларида қўшимча қийматни ошириш учун яхши ресурслар бор.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг илмий ва иқтисодий салоҳияти сув захираларидан унумли фойдаланиш борасида ҳам яхши имкониятлар очади. Мелиорация ва ирригация йўналишидаги алоқалар нечоғли муҳим эканлигини таъкидлашнинг ҳожати йўқ. Айни пайтда сувни тежаш технологияларини ишлаб чиқиш, ўзлаштириш, бу борада тажриба ва ахборот алмашиш ҳам долзарб масаладир. Бу билан қатор экологик ва ижтимоий муаммоларга барҳам бериш мумкин. Хусусан, Қозоғистон вакилларининг Орол муаммоларига бағишлаб Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияда фаол иштирок этгани бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш учун ҳам имкониятлар мавжуд эканидан далолатдир.

Ислом Каримов мамлакатларимиз ҳудудларини сув билан таъминлаш борасидаги муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ўзаро келишилган сиёсат юритишни таклиф этди.

Маданий-гуманитар алоқалар ҳақида сўз юритганда, бу йўналишдаги ҳамкорлик илм-фан, таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва спорт соҳаларини қамраганини таъкидлаш жоиз. Илмий муассасаларимиз ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилган, ўқитувчи ва талабалар, илмий-услубий қўлланмалар алмашуви йўлга қўйилган. Жумладан, 2006 йилда Хоразм Маъмун академияси билан Қозоғистоннинг Р.Сулаймонов номидаги Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, 2007 йилда Тошкент Архитектура-қурилиш институти билан Қозоғистон Архитектура-қурилиш институти ҳамда М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон Давлат институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган.

Ўзбекистон ва Қозоғистон вакиллари мамлакатларимизда ўтказиладиган турли маданий тадбирларда мунтазам қатнашиб келадилар. Хусусан, Қозоғистон саньаткорлари ҳар икки йилда Самарқандда ўтадиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг доимий ва энг фаол иштирокчиларидандир.

Театр жамоаларининг гастроллари уюштирилмоқда. 2006 йили Олмаотада ўтган Марказий Осиё мамлакатларининг биринчи театр фестивалида Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси, Чимкентда ташкил қилинган «Театр баҳори — 2007» халқаро фестивалида Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри жамоаси, «Буран бел» халқаро раққослик фестивалида Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг «Сабо» ансамбли иштирок этди. Ҳамкорликда Ўзбекистонда ўтказилган маданий тадбирлар ҳам талай. 2007 йилда К.Қуанишбоев номидаги Қозоғистон мусиқали драма театри, М.Авезов номидаги Қозоғистон академик драма театри, Олмаота хореография билим юрти жамоаларининг гастроллари уюштирилди.

Музокарада 2006—2008 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури ижросининг бориши кўриб чиқилди. Бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев музокаралар очиқ ва дўстона руҳда, ишчанлик кайфиятида ўтганини таъкидладилар. Остона саммити Ўзбекистон—Қозоғистон муносабатлари изчил ривожланиш йўлидан бораётгани, икки мамлакатнинг ҳам ҳамкорликни янада тараққий эттиришдан манфаатдор эканидан далолат бўлгани қайд этилди.

Ислом Каримов сўнгги вақтларда айрим оммавий ахборот воситаларида Марказий Осиё мамлакатлари иттифоқини тузиш тўғрисидаги хабарлар пайдо бўлаётганига муносабат билдириб, жумладан, бундай деди:

— Бу масалага ҳар бир мамлакат ўз миллий манфаатларидан, халқининг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдиради. Ўзбекистон учун ушбу ташаббус мақбул эмас. Мен буни яна бир бор қатъий таъкидлайман. Давлатлар орасида, айниқса, эски тузумдан чиққан мамлакатлар, бу ўринда, Марказий Осиё республикалари орасида иттифоқ тузиш учун, биринчидан, уларнинг салоҳияти, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси мос келиши керак, иккинчидан, иқтисодий ва сиёсий ривожланиш ҳамда ислоҳотларни амалга ошириш борасида тутган йўли бир-бирига ҳамоҳанг бўлиши лозим. Шу жиҳатдан олиб қараганда, минтақамиз давлатлари орасида бундай иттифоқ тузиш тўғрисида гапиришнинг ўзига ҳали вақт бор, деб ўйлайман. Аслида биз шу мақсадда анча аввал иш бошлаган эдик. Аввалига Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти, кейин унинг негизида "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилоти тузилди. Сўнгра бу тузилма Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан бирлашди.

Мамлакатимиз раҳбари ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун эркин савдо зонаси тўғрисидаги ҳужжатни ишлаб чиқадиган махсус ишчи гуруҳ тузишга келишиб олинганини қайд этди.

Нурсултон Назарбоев музокаралар чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалалари, минтақавий хавфсизлик муаммолари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидлади.

— Ўзбекистон томонининг таклифи билан эркин савдо зонаси тўғрисидаги ҳужжат ишлаб чиқиш учун махсус ишчи гуруҳ тузилиши ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги яна бир қадамдир, — деди Қозоғистон Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)

Жамғарма раёсат йиғилишида

Сайёр йиғилишда фаолият сарҳисоби

Бугунги кунда ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътирофга лойиқ. Хусусан, жойларда ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланишига зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш борасида бевосита фуқаролар йиғинлари, «Маҳалла» жамғармаси бўлим ва бўлинмалари ташаббускор ва ташкилотчи бўлмоқда. Айниқса, жорий Ёшлар йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайиб, ўз навбатида тизим ходимлари зиммасидаги масъулият ҳам ошди.

Бу борадаги натижаларни таҳлил этиб, «Маҳалла» жамғармасининг 2008 йил — Ёшлар йили биринчи чорагидаги фаолияти якунларини сарҳисоб қилиш, шунингдек, галдаги асосий вазифаларни белгилаб олиш мақсадида Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг кенгайтирилган тартибдаги сайёр раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла» жамғармасининг республика бошқаруви ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари раислари, Қашқадарё вилояти туман ва шаҳар бўлинмалари ходимлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда Қарши шаҳридаги маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

Йиғилишни Қашқадарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Эркин Мамадиёров кириш сўзи билан очди.

Тадбир кун тартибидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов маъруза қилди.

— Ушбу тадбир «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан биринчи бор ўтказилаётган сайёр йиғилиш бўлди, — деди А.Аҳмедов. — Бундан кўзда тутилган мақсад аниқ: маълумки, айни кунда юртимизнинг ҳар бир қишлоқ, маҳалла, овулида кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир гўша обод бўлаяпти, чирой очаяпти. Қолаверса, ўз фаолиятини намунали йўлга қўяётган фуқаролар йиғинлари борки, уларнинг сайъ-ҳаракатлари, ташаббуси билан аҳоли ўртасидаги муаммолар, жойлардаги камчиликлар бартараф этиб борилмоқда. Демак, бундай қишлоқ ва маҳаллалар фаолиятига нафақат ҳавас қилиш, балки, уларнинг иш тажрибаларини атрофлича ўрганиб, юртимиз миқёсида оммалаштириш, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига татбиқ қилиш зарур. Қашқадарё вилояти фуқаролар йиғинлари, айниқса, Қарши шаҳри маҳаллаларида эса бугун ана шундай бой тажрибалар тўпланган.

Йиғилишда йилнинг биринчи чорагида жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари томонидан амалга оширилган ишлар ҳисоботи тингланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқадиган вазифаларни маҳалла, қишлоқ, шаҳарча ва овулларда кенг тарғиб қилиш мақсадида 7311 дан ортиқ тарғибот гуруҳлари фаолият кўрсатганлиги алоҳида таъкидланди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 78786 та кам таъминланган оилаларга жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари томонидан 84 миллион сўм ва ҳомийлар ҳисобидан 553 миллион сўмдан ортиқ мурувват ёрдами кўрсатилишига эришилди.

Наврўз байрами муносабати билан 15-16 март кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари билан бирга, эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирлаб берилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:

Қабулхона — 236-53-93

Тел/Факс: — 233-44-25

Масъул котиб: 236-53-75

Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Фаолият самараси

«Жамият ва Мен — 2008» танловига

«ОИЛА»дан оилаларга КЎМАК

...Уйига келаётган Маҳбуба опадан қўшни аёл:

— Ишдан жуда кеч қайтасиз-да, опа. Қаерда ишлайсиз ўзи, — деб сўради. Унинг Республика «Оила» илмий-амалий марказида ишлашини эшитгач, бироз ажабланган бўлди-да, марказ қандай фаолият билан шуғулланишига қизиқди. Маҳбуба опа содда қилиб тушунтириб, асосан оилавий турмушдаги келишмовчиликлар, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муаммоларни бартараф этишга кўмаклашишларини айтди.

Орадан ўн кун чамаси вақт ўтиб, ўша аёл опанинг ишдан қайтишини сабрсизлик билан кутиб турарди. Салом-аликдан сўнг ташвишли оҳангда гап бошлади:

— Биласиз, ёлғизгина қизим бор. Унинг сумкасидан сигарет топиб олдим. Кейинги пайтларда негадир ғалатироқ бўлиб қолган...

Маҳбуба опа аёлни тинчлантирди, гапларини диққат билан тинглагач, қизи билан бафуржа суҳбатлашиб кўришни маслаҳат берди. Маълум бўлишича, бир йигитнинг алдовига учган қиз уни пул ва сигарет билан таъминлаб тураркан. Ачинарлиси, яна бир нечта содда қизлар ҳам устомон йигитнинг тузоғига тушишган экан. Ўқитувчилардан ҳам қизи ҳақида аччиқ-тизиқ гаплар эшитган аёл маҳалладан кўчиб кетиб, ҳаммасидан қутулмоқчи бўлди. Маҳбуба опа бу муаммонинг ечими эмаслигини тушунтириб, масалани алданган бошқа қизларнинг ота-оналари билан биргаликда ҳал этишга кўндирди...

— Бундай воқеаларга нафақат марказимизда фаолият кўрсатаётган ходимлар, балки ҳар бир киши дуч келиши мумкин, — дейди Республика «Оила» илмий-амалий марказининг катта илмий ходими Маҳбуба Мираҳмедова. — Ишимиз бевосита оила муаммоларини илмий асосда ўрганиш ва зарур тавсиялар ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этишдан иборат бўлгани туфайли биз ўзимиз дуч келган вазиятларни кенг муҳокама қиламиз, улардан иш режаларини тузишда, қайси масалаларга аҳамият қаратиш лозимлигини белгилашда фойдаланамиз.

Фуқаролар маънавиятини юксалтириш, оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашда «Оила» илмий-амалий марказининг муносиб ҳиссаси бор. Юртимизда 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил этилган ушбу марказ томонидан ўтган ўн йил давомида кўплаб салмоқли ишлар амалга оширилди.

— Оилалар тотув бўлса, маҳаллалар тинч, турмушимиз фаровон бўлади, — дейди Маҳбуба опа. — Маълумки, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, нотинч оилалар билан ишлашда маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда мактаб психологларининг ўрни катта. Уларнинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш эса бу борада яна ҳам яхши натижа бериши мумкин. Шунинг учун биз маҳалла маслаҳатчилари ва мактаб психологларига интерактив усулда услубий-семинарлар ташкил этиб, зарур услубий тавсиялар бериб борамиз. Улар эса бу тавсияларни амалиётда қўллашади. Машғулотларда иш фаолиятида учраши мумкин бўлган муаммоли вазиятларда маслаҳатчининг тезкор ва тўғри қарор чиқара олиш кўникмасини шакллантириш мақсадида тарқатма материаллардан фойдаланамиз, баҳс-мунозаралар уюштирамиз. Семинарларнинг бундай ташкил этилиши маслаҳатчиларнинг қизиқишларини орттириб, ўз маҳоратларини ошириш учун изланишга ундамоқда.

Оила мустаҳкамлиги, энг аввало ота-онага боғлиқ. Агар уларнинг маънавияти бой, ҳуқуқий ва тиббий саводхонлиги юқори бўлса, бундай оилада муаммо ҳам кам бўлади. «Оила» маркази Республика Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан грантлар учун эълон қилинган амалий тадқиқотлар танловида «Ўзбекистон маҳаллаларидаги «Ота-оналар университети» орқали ота-оналарнинг маънавий-ахлоқий, тиббий-демографик, ижтимоий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш механизмини яратиш» мавзусидаги тадқиқот лойиҳаси билан қатнашиб, ғолиб бўлган эди. Уч йил мобайнида олиб борилган илмий изланишлар ҳозирги кунда ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда мамлакатимиздаги 89 та маҳаллада ана шундай рамзий маънодаги университетлар ташкил этилган бўлиб, уларда фуқароларга ҳаётда, оилавий турмушда асқотадиган билим ва кўникмалар бериб борилмоқда.

— «Ота-оналар университетлари» тингловчиларига махсус дастур асосида оила ҳуқуқи ва демографияси, тиббий-биологик асослар, оила маънавияти ва психологияси бўйича белгиланган режа асосида машғулотлар ўтилади. Машғулотлар соҳа мутахассислари, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилар ва марказ ходимлари томонидан олиб борилиб, курсни тамомлаган тингловчиларга сертификат берилади. Қувонарли томони шундаки, «Ота-оналар университетлари»ни тамомлаганлар нотинч оилалар, вояга етмаган, тарбияси оғир болалар билан ишлашда маҳалла фаолларига яқиндан ёрдам бериб келишмоқда.

«Оила» илмий-амалий маркази томонидан «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилянпти. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда оналар учун «Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш», «Балоғат даврининг психологик хусусиятлари», «Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш» каби мавзуларда семинарлар ташкил этиляпти. Айни пайтгача бундай семинарлар пойтахтимиздаги 200 дан зиёд таълим масканида ўтказилди. Жорий йилда айниқса, оила—мактаб—маҳалла ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Марказ ташаббуси билан вилоятларда Фидокорлар МДП билан ҳамкорликда «Фидокор ва зукко қизлар клуби» ташкил этилиб, уларга олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли, ташаббускор ва зукко талаба қизларнинг жалб этилаётгани ҳам диққатга сазовор. Бундай клублар қизларга ўз имконият ва иқтидорини намоён қилиши, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши учун имкон яратмоқда. Шунингдек, пойтахтимиздаги «Шодлик» никоҳ уйи қошида ташкил этилган «Ёш оила мактаби»да ҳам марказ ходимлари оила қуриш истагида бўлган ёшлар билан машғулотлар олиб боришади.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Жамоарма раёсат йиғилишида

Сайёр йиғилишда фаолият сарҳисоби

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

«Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйлари ва бошқа ихтисослашган махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари томонидан 23 миллион сўмлик ҳамда ҳомийлар томонидан 92 миллион сўмликдан ортиқ кийим-кечак ва совғалар тарқатилди.

Тадбирда алоҳида эътибор қаратилган масалалардан яна бири мамлакатимиздаги барча фуқаролар йиғинларида жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини муносиб кадрлар билан таъминлаш масаласидир. Айни кунда тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг соҳага доир билим ва кўникмаларини бойитиш, уларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, турли мавзу ва йўналишларда ўқув-семинарлар ташкил этиш борасида аниқ режалар асосида иш кўриш муҳим эканлиги таъкидланди.

Бинобарин, раёсат йиғилишида жамғарма бўлим ва бўлинмалари фаолияти йўналишлари юзасидан аниқланган хато ва камчиликлар ҳам муҳокама этилди. Хусусан, айни пайтда «Маҳалла» жамғамасининг туман (шаҳар) бўлинмаларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ишини мувофиқлаштирувчи бош мутахассис лавозими жорий этилган. Бироқ жамғарманинг баъзи туман ва шаҳар бўлинмаларида ҳалигача ушбу лавозимга вакант ўринлар мавжуд. Ўз навбатида жойларда йиғин ходимларининг тез-тез алмаштирилиши фаолиятда самарадорликка эришишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Қолаверса, айрим ҳудудларда фуқаролар йиғинлари қошида тузилган комиссиялар иши талаб даражасида йўлга қўйилмагани туфайли ўша ҳудудларда турли муаммолар юзага келмоқда. Муҳокама чоғида «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан ушбу хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, раёсат йиғилишида 2007 йилда ўтказилган «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазифасини ҳал этишда энг намунали маҳалла» кўрик-танлови ғолибларига ҳамда 2008 йил учун «Mahalla» газетасига обунани ташкил этишда фаол қатнашган «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳри, Навоий, Самарқанд, Андижон ва Қашқадарё вилоятлари бўлимларига мукофотлар топширилди.

Шу куни «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан нашр этилган «Маҳалла: норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами», «Фуқаролар йиғини тизимининг намунавий тузилмаси ва иш юритиш услублари» ҳамда «Ҳуқуқ ва бурч — ютуқлар гарови» китобларининг тақдимоти ҳамда жамғарма Қашқадарё вилоятидаги туман (шаҳар) бўлинмалари бош ҳисобчилари, маҳалла йиғини раислари ва диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар учун махсус ўқув-семинарлар ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 593 та фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Мустақиллик йилларида уларнинг ишини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини ривожлантириш мақсадида бевосита маҳаллий ҳокимликлар, «Маҳалла» жамғармасининг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари кўмагида диққатга молик ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоят маркази — Қарши шаҳридаги барча маҳаллаларнинг компьютер билан таъминлангани ва шаҳарда марказлашган ахборот тизими фаолияти йўлга қўйилгани, айни пайтда ўзининг ижобий самарасини бераётир. Қарши шаҳридаги Қарлуқ боғот маҳалласи ҳам шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Бундан ташқари, фуқаролар йиғини республика миқёсида ўтказиб келинаётган турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, юқори ўринларга сазовор бўляпти. Хусусан, 2007 йилда «Маҳалла» жамғармасининг республика бошқаруви томонидан ўтказилган «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазифасини ҳал этишда энг намунали маҳалла» кўрик-танловида Қарлуқ боғот маҳалласи ғолиб бўлди.

Сайёр йиғилишдан сўнг тадбир иштирокчилари мазкур маҳаллада бўлиб, йиғиннинг ижобий иш тажрибаси билан яқиндан танишдилар.

МУХБИРИМИЗ

Андижон вилояти

Қарор ва ижро

ИЖРОДА ИНТИЗОМ БЎЛСА...

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинганлигига ўн йил тўлди. Ушбу давр мобайнида мамлакатимиздаги меҳнат жамоаларида бу муҳим ҳужжатнинг ижросини таъминлаш, яъни ижро интизомини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, буни Қўрғонтепа тумани халқ таълими бўлимининг тажрибаси мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Ўтган йилда мазкур бўлимга турли ташкилотлардан 150 дан ортиқ хат ва буйруқлар келган. Бу ҳужжатлар ўз вақтида жойларга етказилган ва уларнинг муваффақиятли бажарилиши таъминланган.

Яқинда туманда ҳукуматимизнинг юқоридаги қарорини бажаришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар мактабларда ва мактабгача таълим муассасаларидаги ижро интизоми билан танишиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

— Фаолиятимизда ижро интизомига қатъий риоя қилмасак, табиийки, бу ўз навбатида турли муаммоларни келтириб чиқаради, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Ҳафизахон Обидова. — Семинарни ўтказишдан асосий мақсад ҳам вилоятдаги намунали меҳнат жамоаларининг фаолиятини бошқаларга ибрат қилишдан иборат.

Узоқбой САКСОНБОЕВ

Замонавий қулайликлар

Фарғона вилояти

Байналмилал гузарли бўлди

Марғилон шаҳридаги Байналмилал маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, тадбиркор Усмонжон Тўхтасинов ташаббуси билан ҳудуддаги Алишер Навоий номли кўчада маҳалла гузари бунёд этилди.

Илгари ташландиқ ҳолатда бўлган бу жой айни пайтда маҳалланинг гавжум масканига айланди. Замонавий гузар ёнгинасида озиқ-овқат, автомобиль эҳтиёт қисмлари, тунукасозлик ва хўжалик моллари дўконлари, дорихона ҳамда сартарошхона аҳолига хизмат кўрсатяпти. Яқин кунларда янги ошхона ишга тушади. Бу ишга тадбиркор Маҳмудхон Ваҳобов бел боғлаган.

— Бундан 10-15 йил аввал маҳалланинг ўз гузари, савдо мажмуалари, маъмурий биноси йўқ эди, — дейди йиғин раиси У.Тўхтасинов. — Эндиликда бу ерда ўнга яқин савдо, умумий овқатланиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари қад ростлади. Маҳаллага кираверишда йиғиннинг рамзий дарвозасини ҳам бунёд этдик. Ҳудуддаги мавжуд 8 та кўчага шаҳар ҳокимлиги ёрдамида асфальт ётқизилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Қорақалпоғистон Республикаси

Чимбой шаҳридаги 2-сонли маҳалла ҳудудида жойлашган умумтаълим мактаби учун замонавий бино барпо қилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Чимбойда чирой очган бинолар

«Қозоқдарё» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари 216 ўринли ўқув маскани қурилишини жорий йилнинг август ойига қадар тамомлаб, фойдаланишга топширишни режалаштирган. Бунинг учун жами 530 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

Чимбой туманининг бошқа маҳалла ва овулларида ҳам 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури изчил бажарилмоқда. Хусусан, жорий йилда туманда битта мактаб янгидан қурилиб, 9 та мактаб бинолари ва спорт залларида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Айни пайтда ушбу ўқув масканларида бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

ХОНОБОД *аҳлига туҳфа*

Андижон вилояти Хонобод шаҳрида бугунги кунда юзлаб тадбиркор ва ҳунармандлар фаолият кўрсатади. Улар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, маҳалла фуқаролар йиғинларида ободонлаштириш ишларига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ҳозир шаҳардаги 10 дан ортиқ маҳаллаларда аҳолига маиший ва савдо хизмат кўрсатиш шохобчалари, гузарлар бунёд этилган.

Шунингдек, Хонободда 5 та касб-ҳунар коллежи, 2 та санаторий ва бир нечта саноат корхоналари мавжуд. Ҳудудни ободонлаштириш ҳамда кўкламзорлаштириш ишларида уларнинг муносиб ҳиссаси бор.

СУРАТЛАРДА: *Кампирравот қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яқинда қуриб фойдаланишга топширилган чойхона ва ҳаммом биноси кўриниши;*

Фозиломон маҳалласи фуқаролар йиғинидаги маҳалла гузари чойхоначиси Баҳромжон Сиддиқов.

Ш.ОЛИМОВ *(ЎзА)* **олган суратлар.**

Жиззах вилояти

Ободлик ҳар масканга ярашар!

ҚАРОВСИЗ БОҒ...

Жиззах шаҳри марказида жойлашган Ҳамид Олимжон номидаги боғ истиқлолдан сўнг реконструкция қилинди. Боғда шоир ҳайкали ўрнатилди, сайр қилиш учун мўлжалланган узун ва кенг йўлакнинг ҳар икки томонида шеърларидан мисралар ёзилган мармар лавҳалар жой олди. Кўркам ва обод боғ бир неча йил шаҳар аҳолиси ҳамда меҳмонлари билан гавжум бўлди.

Минг афсуски, бугунги кунда ушбу боғ бутунлай қаровсиз аҳволда. Дарахтлар парваришга муҳтож, суғориш ишлари ўлда-жўлда. Неча йилдирки, бу ерга на бирон туп дарахт, на гул кўчати ўтқазилди. Боғ ҳудудини бегона ўтлар босиб ётгани, темир тўсиқлар қўпориб олиб кетилгани айрим кимсаларга боғда чорва молларини бемалол ўтлатиш учун қўл келяпти.

Шу ўринда мулоҳаза туғилади: хўш, боғ атрофида жойлашган маҳаллалар мутасаддилари бу аҳволдан бехабарми? Халқимизнинг ҳашардек хайрли, айниқса, мана шундай ҳолатларда асқотадиган асрий анаъанаси бор. Боринг-ки, катта қўламдаги таъмирлаш, ободонлаштириш ишларига маҳалланинг қурби етмаса-да, ҳеч бўлмаса, боғнинг аянчли аҳволига мутасаддилар, жамоатчилик эътиборини жалб қилиш мумкин-ку!

Боғ Сангзор маҳалласи ҳудудига туташ экан. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анвар Муллажоннов бу масала бир неча бор муҳокама этилишига қарамай, очиқлигича қолаётганини айтди...

Бутун мамлакатимизда кенг миқёсда ободонлаштириш, бунёдкорлик юмушлари кундан-кунга авж олиб келаётган бир пайтда Жиззах шаҳрида ҳам бу борада кўп хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу боисдан шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ободончилик бошқармаси мутасаддилари боғ тақдирига беэътибор бўлмасалар керак. Бу эътибор шаҳар аҳолисининг маданий ҳордиқ чиқариши, истироҳат боғининг соя-салқинидан баҳра олиши учун яна бир имкониятдир. Нима бўлганда ҳам, қаровсизликдан қуриб-қовжираб бораётган боғ парваришга муҳтож. Ахир олдинда ёз чилласининг жазирама кунлари турибди...

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

ФРАНЦИЯ:

ДАЛАЙ-ЛАМА — ПАРИЖНИНГ ФАХРИЙ ФУҚАРОСИ

Париж шаҳар кенгаши Далай-ламага шаҳарнинг фахрий фуқароси унвонини бериш ҳақида қарор қабул қилди, дея хабар беради BBC.

Буддавийларнинг етакчисига бундай унвонни бериш ташаббуси Париж мэри Бертран Деланоэдан чиқди. Унинг фикрича, доимо дунё халқларини муросага чорловчи тинчлик курашчиси Далай-ламага бўлган ҳурмат-эътиборни шу йўл билан намойиш этиш зарур.

Бироқ шаҳар кенгашига аъзо бўлган мамлакат президенти Николя Саркозининг тарафдорлари ҳамда коммунистик партия вакиллари бу қарорга нисбатан эътироз билдиришмоқда. Улар бундай хатти-ҳаракат икки давлат муносабатларида ихтилофга сабаб бўлиши мумкин, дея таъкидлашмоқда.

Душанба куни Н.Саркози олимпиада машъаласи эстафетасининг Париж босқичида тибетлик намойишчилар ҳужумидан азият чеккан параолимпия ҳаракатининг хитойлик иштирокчиси Жин Жингни қўллаб-қувватлади.

«Парижда сизга ҳужум қилишгани ҳақидаги хабар мени ларзага солди. Довюраклигингиз учун сизга ва сизнинг халқингизга чуқур ҳурматимни изҳор этаман», дейилган Саркозининг 27 ёшли хитойлик спортчига йўллаган хатида.

Бироқ шунга қарамай, ўша омадсиз эстафетадан сўнг икки давлат ўртасидаги муносабат танглигича қолмоқда. Ўтган ҳафтада Хитойнинг бир нечта шаҳарларида французларга қарши норозилик намойишлари ўтказилди. Намойиш иштирокчилари Франция маҳсулотларига бойкот эълон қилиш талаби билан чиқишди. Бундан энг аввало бутун Хитой бўйича 122 та супермаркет очган "Carrefour" француз супермаркетлари тармоғи зарар кўрди. Аммо компания раҳбарияти ҳам бўш келмасдан, Тибет мустақиллиги ҳаракати ва Пекин олимпиадаси бойкотини ҳеч қачон қўллаб-қувватламаганлиги ҳақида расмий баёнотини эълон қилди.

ИНДОНЕЗИЯ:

ТЕРРОРЧИЛАРГА ТЕГИШЛИ ЖАЗО БЕЛГИЛАНДИ

Индонезия суди «Жамоа исломия» гуруҳини илк бор террорчилик ташкилоти деб эълон қилиб, унинг 2 нафар етакчисини 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди. Хусусан, Абу Дужана ва Заркасийнинг террорчиларга раҳнамолик қилиб, уларнинг фаолиятини молиялаштириш, жанговар қуролларни сақлаш ва тарқатишга алоқадорликлари суд жараёнида исботланди. Бу икки террорчига нисбатан бир умрлик қамоқ жазоси белгиланишига қарамай, суд уларнинг тергов ишларига ёрдам берганликларини инобатга олиб, жазо муддатини бироз қисқартирди.

Эслатиб ўтамиз, 2002 йилнинг 12 октябрида Бали оролидаги портлашлар мазкур гуруҳ томонидан содир этилган энг йирик террорчилик ҳаракатларидан бири сифатида қайд этилиб, унинг оқибатида 202 нафар инсон ҳаётдан бевақт кўз юмган эди. 2003 йилда Mariott меҳмонхонаси олдида содир этилган қўпорувчилик оқибатида 12 киши, 2004 йилнинг сентябрь ойида Австралиянинг Индонезиядаги элчихонаси олдидаги портлаш оқибатида эса 10 киши ҳалок бўлган.

1980 йилларнинг охирларида ташкил топган ушбу гуруҳнинг асосий мақсади, Индонезия, Малайзия, Сингапур ва Бруней ҳудудида «йирик давлат» барпо этишдан иборат.

ФАЛАСТИН:

МАШААЛнинг ДАМАШҚдаги БАЁНОТИ

ХАМАС радикал ҳаракати Фаластин давлатини тузиш ташаббуси билан чиқмоқда. Бироқ ҳаракат Исроилни давлат сифатида тан олиш истагида эмас. ХАМАСнинг сиёсий бюроси раҳбари Халед Машаал Дамашқда АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картер билан бўлиб ўтган учрашуви чоғида бу ҳақда баёнот берди.

Олиб борилган музокаралар натижасига кўра Картер, «агар иккала томон ўзаро тинчлик шартномасини имзолаб, Фаластин аҳолиси уни референдумда қўллаб-қувватласа, ХАМАС раҳбарияти Исроил давлатини тан олиши мумкин», дея таъкидламоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.

БУГУНГИ БИТИРУВЧИ ЭРТАГА КИМ БЎЛМОҚЧИ?

Мустақиллик йилларида юртимизда аниқ мутахассисликка эга бўлиш имконини берадиган узлуксиз таълим тизими жорий қилингани ёш авлодни камол топтириш йўлидаги муҳим сайъ-ҳаракатлардан бири бўлди. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш ва Мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган умуммиллий дастурлар доирасида кейинги йилларда юртимиздаги таълим муассасаларининг моддий-техник базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, таълим тизимида янги илғор педагогик ва ахборот технолигияларини жорий этиш борасида аҳамиятга молик ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 4600 дан ортиқ умумтаълим мактаблари янгидан бунёд этилди, реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. 2009 йилда мазкур дастурлар ижроси тўлиқ таъминлангач, замон талабларига жавоб берадиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида 1,1 миллион нафар, умумтаълим мактабларида эса уч миллион нафар ўқувчи таълим олиши кўзда тутилган.

Жорий йилнинг юртимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши замирида ҳам ўсиб келаётган йигит-қизларни жамиятимизнинг чинакам таянчи ва суянчига айлантириш, уларнинг порлоқ келажагини таъминлаш мақсади мужассам. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Ёшлар йили" Давлат дастурида ёшлар манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ барча долзарб масалаларни ҳал этиш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маънавий-маърифий тарбия йўналишларида амалий чора-тадбирларни янада такомиллаштиришга доир вазифалар аниқ белгиланган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар касб-ҳунар коллежи бошқармаси ҳамда қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда ёш авлодни юксак маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг ишга жойлашиши, ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш борасида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиб келиняпти.

— Ўтган 2006-2007 ўқув йилида пойтахтимиздаги мавжуд 79 та касб-ҳунар коллежларини 24693 нафар ўқувчи-ёшлар битирди, — дейди Тошкент шаҳар касб-ҳунар коллежлари бошқармаси бошлиғи Шавкат Жавлонов. — Ушбу битирувчилардан 17408 нафари Тошкент шаҳрида истиқомат қилади. Уларни ишга жойлаштириш, аниқ мутахассисликка йўналтириш масаласи доимий эътиборимизда. 2007 йилда ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган ёшларнинг 83 фоизи иш билан таъминланган. Жорий йилда пойтахтимиздаги мавжуд касб-ҳунар коллежларини 31198 нафар ўқувчи-ёшлар битириши кутилмоқда. Бошқармамиз томонидан уларни касб-ҳунарга йўналтириш, иш билан таъминлаш мақсадида шаҳримиздаги қатор корхона ва ташкилотлар билан меҳнат ярмаркасини ташкил этиш режалаштирилган.

Пойтахтимиздаги ўқув муассасалари фаолиятини ёшлар орасида кенгроқ тарғиб қилиш, уларда ана шу даргоҳлар тўғрисида тўлароқ тасаввур уйғотиш мақсадида "Очиқ эшиклар куни", "Касб-лар фестивали" каби тадбирлар, ўқув-кўргазмаларни ташкил этиш анъанага айланган.

— Бугунги кунгача ёшларнинг касб-ҳунар коллежларига ўқишга кириши ва битирувчиларни ишга жойлаштириш борасида жорий йилда 350 га яқин "Очиқ эшиклар куни" тадбирлари ўтказилди, — дейди Ш.Жавлонов. — Ушбу кўргазмали тадбирларда ўн минг нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар иштирок этиб, йигит-қизлар коллежларнинг имконияти, мутахассисликлар бўйича ўзларини қизиқтирган барча маълумотларга эга бўлдилар. Хусусан, яқинда Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежида Республика Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилди.

— Ҳар хафтада бир марта ташкил этилаётган бундай кўргазмаларда пойтахтимиздаги ўттизга яқин академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари иштирок этади, — дейди Савдо-саноат палатаси масъул ходими Олимжон Юсупов. — Бундай кўргазмаларга ташриф буюрган ўқувчи-ёшлар, уларнинг ота-оналари бу ерда мавжуд ўқув муассасаларининг моддий-техник базаси ҳамда ноанъанавий дарс ўтиш усуллари билан яқиндан танишиш имконига эга бўладилар.

Бу каби кўргазмаларни томоша қилганлар, ўқувчи-ёшлар, ота-оналар мамлакатимиз таълим тизимига жорий этилаётган ахборот технологияларининг сўнгги ютуқлари гувоҳи бўлишмоқда.

— Кўргазмани томоша қилгач, менда иқтисодиёт ва сервис мутахассислигига қизиқиш уйғонди, — дейди пойтахтлик ёшлардан бири Рухшона Ниёзхўжаева. — Бу ерда сервис хизмати кўрсатиш соҳасига оид қизиқарли маълумотларга эга бўлдим. Ўрта мактабни битиргач, иқтисодиёт ва менежмент коллежига ўқишга кириш ниятидаман.

Мехрож ДАРХОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ёшларимиз камолоти йўлида

Тошкент шаҳри

— Самарали фаолият юритаётган болалар санъат мактаби деганда, ўқувчиларнинг маънавиятини юксалтиришга, дунёқарашини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшаётган санъат даргоҳини тушуниш лозим, — дейди Чилонзор туманидаги 3-сонли болалар санъат мактаби директори Ҳамидулло Сагдуллаев. — Чунки, тасвирий санъат ёки мусиқага ошно болалар орасида ёмон хулқлилари деярли йўқ. Уларни бу йўналишларга қизиқтира олиш эса ўқитувчиларнинг маҳоратига, таълим даргоҳида машғулотлар қандай ташкил этилганига бевосита боғлиқ, албатта.

ИҚТИДОРЛИЛАР УЧУН ИЖОД МАСКАНИ

Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 7 январдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойишига биноан, ушбу санъат мактаби ҳам қайта таъмирланиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда бу масканда 283 нафар ўқувчи мусиқа ва санъат йўналишлари бўйича таҳсил олмоқда. Махсус ўқув курсларидан ташқари, тасвирий санъат ҳамда театр бўлими ҳам фаолият юритяпти. Мактаб ўқувчиларидан махсус гуруҳлар тузилган бўлиб, шаҳардаги ўрта мактаб ва болалар боғчаларида концерт дастурлари, тасвирий асарлар кўргазмалари уюштириб турилади. Юртимиз миқёсида ўтказилаётган кўпгина кўриктанловларда мактаб ўқувчилари совринли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда. Хусусан, хореография бўйича мамлакатимиз мусиқа ва санъат мактаблари ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловнинг шаҳар босқичида ушбу маскан вакиллари биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, яқинда шаҳар мусиқа мактаблари ўртасида ўтказилган М.Қориёқубов номидаги танловда иштирок этган мазкур санъат мактаби ўқувчиларидан Мухлиса Агзамова, Назокат Режековалар дутор чалиш, Фозил Фарҳодов эса доира йўналиши бўйича совринли ўринларга сазовор бўлишди.

— Туманимиздаги 22-сонли "Мехрибонлик" уйи билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. — дея сўзини давом эттиради Ҳамидулло Сагдуллаев. — Маскан қошида мактабимиз филиали ишлаб турибди. Филиалда мусиқага қизиқиши ва иқтидори бор болалар учун рубоб, доира ҳамда фортепиано каби мусиқа асбобларини чалиш бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Бинобарин, шу йилнинг 11 май куни пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "3-сонли болалар санъат мактаби куни" тадбирларини ўтказишни режалаштирганмиз. Мазкур концерт дастурида ота-оналар, болалар ва бошқа барча мусиқа ва санъат ихлосмандлари иштирок этиши кўзда тутилган.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ёшлар сиёсати амалга оширилишини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи».

Олам турфа

ВАЎДАБОЗНИНГ ЖАЗОСИ

Эрондаги судлардан бирида бир оилавий жуфтлик, яъни эр-хотиннинг масаласи кўрилди. Аниқланишича, тўйдан олдин берган ваўдасини бажаролмаганлиги учун Хингама исмли аёл турмуш ўртоғини судга берган. Суднинг ҳукмига кўра, эндиликда эри унга 124 минг дона атиргул совға қилишга мажбур.

Аслида бу воқеа уларнинг тўйидан олдин бўлиб ўтган, яъни бўлажак турмуш ўртоғи Хингамага:

— Менга турмушга чиқсанг, сени бир умр атиргулга буркайман, — деб ваўда берган экан.

Бироқ уларнинг ўн йиллик турмуши давомида эрнинг қуруқ ваўдабоз эканлиги маълум бўлган.

Эрон давлати қонунчилигига кўра, турмушга чиққан аёл тўйдан сўнг истаган вақтда ёки ажрашиш пайтида эридан тўй совғасини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Совға қилинган нарса эса ўша аёлнинг хусусий мулки ҳисобланиб, ундан истаганича фойдаланиши мумкин.

Судда Хингаманинг турмуш ўртоғи унга ҳар куни атиги беш донадан атиргул совға қилиш имкониятига эга эканлигини билдиргач, суд томонидан унинг уйи 64 минг долларга баҳоланиб, у уйга эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Аммо уйнинг баҳоси ҳам Хингамага ваўда қилинган тўй совғасини олиш учун етарли эмас, яъни бу уйнинг пулига 32 минг дона атиргул сотиб олиш мумкин, холос.

КИНОТЕАТРДАГИ ҲУЙҚУ

эр-хотин ўртасидаги жанжалга сабаб бўлди

Янги Зеландиянинг Крайстчёрч шаҳрида истиқомат қилувчи ёш эр-хотин кинотеатрга боришади. У ерда намойиш этилаётган севги ҳақидаги фильм эрга зерикарли туюлиб, у ўтирган жойида ухлаб қолади. Бундан жаҳли чиққан хотин кино тугагач, ҳамон ухлашда давом этаётган эрини кинозалда қолдириб кетади.

Аммо орадан бир неча соат ўтиб, эри уйга келавермагач, жаҳл ўрнини хавотир эгаллади. Ниҳоят тунги соат учда аёл кинотеатрга келиб, турмуш ўртоғининг қўл телефонига қўнғироқ қилди. Телефон қўнғироғидан уйғониб кетган эр қоронғида кинозалдан чиқиш йўлини қидириб, беҳосдан сигнализацияга тегиб кетди. Зудлик билан етиб келган полициячилар жанжалашаётган эр-хотинни зўрға тинчлантиришди.

Навоий вилояти

Соғлом танда — соғ ақл, деганларидек бугунги кунда ёш авлоднинг нафақат маънан, балки жисмонан ҳам баркамол бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Шу боисдан ҳеч бир болакай шифокорлар кўригидан четда қолаётгани йўқ.

Навоий шаҳрида жойлашган вилоят болалар шифохонасида малакали болалар шифокорлари сифатли тиббий хизмат кўрсатадилар.

СУРАТДА: *тиббий кўрик пайти*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Ҳар йигинда ҳар юмуш

Наманган вилояти

БОЛ УЛАШГАН маҳалладоши

Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашда томорқалардан унумли фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Шу боисдан қишлоқларимизда томорқаси бўш ётган хонадонлар деярли йўқ. Қолаверса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларда аҳоли ихтиёридаги томорқалардан унумли фойдаланиш кўзда тутилган.

Тўрақўрғон туманидаги Хўжанд қишлоқ фуқаролар йиғини таркибига кирувчи бешта маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ўз томорқаларида йилига бир эмас, икки-уч марталаб ҳосил олиш пайида бўлишади. Маҳаллалар ўртасида «Энг намунали хонадон», «Энг обод маҳалла» кўрик-танловлари ўтказилиши эса уларнинг бир ғайратига минг ғайрат қўшади. Бундан ташқари, мутахассислар томонидан мунтазам равишда аҳолига ердан самарали фойдаланиш ҳақида тавсиялар бериб бориляпти. Бу йилги кўкламда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 15 минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Катта йўл бўйларига беш минг тупдан кўпроқ тут дарахти кўчатлари ўтказилди. Бу эса шу ҳудудлардаги фермерларга ўзига хос кўмак деганидир. Бу ишларнинг барчасига қишлоқ фуқаролар йиғинига олти йилдан буён раислик қилаётган Ўктамхон Аҳмедова бош-қош бўлмоқда.

— Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси сифатида ҳам, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати сифатида ҳам Хўжанд аҳлининг тинчлиги, осойишталиги, фаровон турмушига ўзимни масъул биламан, — дейди Ўктамхон опа. — Меҳр-мурувватга, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаш, зарур бўлганда уларга алоҳида ҳомийлар бириктириш доимий эътиборимиздаги масала. Аммо назаримда, фақат моддий ёрдам бериш билан чекланиб қолмай, уларга доимий даромад манбалари яратиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Бу борада Найманча маҳалласи фуқаролар йиғинида олиб борилаётган ишлар ибратга лойиқ. Ўтган йили кам таъминланган бир оилага ҳашар йўли билан уй қуриб берилгани бошқа маҳаллалар ва ҳомийларимизга ибрат бўлди. Бундан ташқари, асалчи Хумайдулло Раҳматуллаев ўз маҳалладошларига асаларичиликни йўлга қўйиш ва шу орқали даромадга эга бўлишни ўргатмоқда. Яқинда у ёрдамга муҳтож оилалардан бирига тўрт қути асалари берди ва оила аъзоларига асаларичиликни парваришлашни ўргатди.

Кўп йиллардан буён боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланган Абдужаббор ота Юсуповдек донгдор миришкорлар Хўжанд қишлоғида кўплаб топилади. Уларнинг меҳнат-заҳмати самараси ўлароқ, боғдорчилик, узумчилик ва деҳқончилик сирлари авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Маҳмуда ҚОДИРОВА,
«Mahalla» мухбири.

Фармон ижроси йўлида

Бухоро вилояти

Талқонсайётда тадбир

Президентимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонлар ижросини таъминлаш фуқаролар йиғинлари мутасаддилари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шу боис туманимизда бу борада кўплаб тадбирлар уюштирилмоқда. Хусусан, Олот туманидаги Талқонсайёт қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳалла маслаҳатчилари, фаол аёллар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда оила ва никоҳ муносабатларига доир қонунлар ижросини таъминлашга бағишланди.

Тадбирда оила ва маҳаллада аёлларнинг ўрни, уларнинг урф-одат ва анъаналаримизни ёшлар ўртасида тарғиб қилишдаги фаол иштирокини таъминлаш, ислом дини аҳкомларини яхши билмаслик оқибатида юзага келаётган турли иллатлар, тўй-маъракаларда йўл қўйилаётган дабдабабозликлар тўғрисида сўз юритилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун ҳамжиҳатликда иш олиб бориш лозимлиги қайд этилди.

Маълумки, "Ёшлар йили" Давлат дастурида ёшлар камолоти йўлида кенг кўламли ишларни амалга ошириш белгилаб қўйилган. Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган "Ёшларимиз — бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз" деб номланган тадбирда ана шу мақсадда амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар муҳокама этилди.

Тадбирда иштирок этган коллеж ўқитувчилари, туман Маънавият-тарғибот маркази, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда туман ФХДЁ бўлими вакиллари "Ёшлар йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни оилавий турмушга тайёрлаш борасида таклиф ва тавсиялар беришди.

Г.БАҲРОМОВА

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА!

«... Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга ҳақли эмас».

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасидан.

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар-а!

КЎЧА ТАЛАШГАН БЕЗОРИЛАР

Икки безори йигит ўртасида талаш бўлган кўчалардан энди уларнинг ҳар иккиси-да юрмайди

...Азим Муродулла билан илк марта қачон учрашганини яхши эслайди: ўшанда қўшни қишлоққа Ражаб акани қидириб борган эди. Аксига олиб, у уйда йўқ экан. Ўғли Азиз билан қишлоқ марказидаги чойхонага келишди. Бола отасини чақириб чиқиш учун чойхонага кириб кетди.

Бундай пайтда аксарият одам далада бўлгани учунми, чойхонада одам сийрак эди. Азим йўл четидаги дарахт соясига ўтиб, кута бошлади. Шу маҳал нарироқда тўхтаб турган оқ рангли «Матиз» машинасидан ўзига тенгқур бир йигит тушди. Азимга яқинлашаркан, унга бошдан-оёқ ғалати тикилди.

— Кимсан, бу ерларда нима қилиб юрибсан?

— Нима ишинг бор? — Бегона йигитнинг дабдурустдан сўроққа тутиши Азимга оғир ботди. — Ҳарҳолда, чет элдан келганим йўқ, кўрмаяпсанми? Шу ернинг ўғлониман.

Азимни сўроққа тутиб турган йигитнинг исми Муродулла бўлиб, феълида бироз қитмирлик йўқ эмасди. Бегона йигитнинг кўрс жавобидан баттар ўжарлиги тутди.

— Ўх-ҳў, жавобларинг дадил-ку, оғайничалиш. Сенинг бу қишлоқдан эмаслигинг аниқ. Мен бу ернинг каттаю кичигини яхши танийман. Энди айт-чи, бизнинг кўчада нима қилиб юрибсан?

— Ишинг бўлмасин, нима хўжайинмисан менга? — Азим энсасини қотирди.

— Кимлигимни ҳозир кўрасан, — Муродулла шундай дея Азимни чойхона ёнидаги арчалар панасига судради. Икки йигит муштлаша кетди. Муродулла Азимга нисбатан бақувват эди, устма-уст тушаётган мушт зарбидан Азим гангиб, ўзини йўқотиб қўйди. Яхшиямки, Ражаб ака ўғли билан етиб келиб, урушқоқ йигитларни ажратиб қўйди.

Қўли баланд келганидан ўзича руҳланган Муродулла уст-бошини қоқаётган Азимга дағдаға қилди:

— Яна бир марта сени шу атрофда кўрсам, мендан яхшилик кутма!

Йўллар бир, ҳудудлар туташ. Азим бир неча бор Муродулла билан тўқнаш келди. Ҳар сафар икки йигитнинг учрашуви ҳақорат, муштлашув билан тугар, аксарият ҳолларда Муродулла ўз кучини «кўрсатиб» қўярди...

Орадан бир йил ўтди.

Яқин атрофдаги маҳалла, қишлоқлар аҳли бу кун байрамга ошиқишган. Азим тепаликда синфдошлари билан учрашишга келишганди. Эрталаб отланар экан, Муродуллани ҳам бу тадбирда учратиши мумкинлигини ўйлаб, қўйнига пичоқ солиб олди.

Азим одамлар орасидан ўтиб борар экан, тепаликка қараб-қараб қўйди. Синфдошлари кўринмади. Бирдан тепаликда юрганлар орасида Муродуллани кўрди, ранги-қути ўчди. Кўнгли бир ёмонликни сезди. Шу пайт ёнига келган синфдоши Бекзодни қўлтиғидан олди-ю, чеккароққа ўтиб, ўзи ва ўша йигит ўртасидаги можароларни қисқагина сўзлаб берди.

— Ёнимдан узоқлашма, агар яна жанжал чиққудек бўлса, ўша ярамасни аяб ўтирма, — дея тайинлади.

— Қизиқмисан, Азим? — таажжубланди Бекзод, — шундай кунда қайси аҳмоқ жанжал қилади, қўйсанг-чи оғайни!..

Азим тепаликка чиқди, лекин Муродуллани учратмади. У бироз кутгач, тепаликдан Равот маҳалласи томон кетадиган йўлнинг бошланишида Муродуллага дуч келди. Азимни кўриб, Муродулла оғайнилари даврасидан чиқиб келди.

— Ҳа, зўр бўлиб кетдингми дейман, яна биз томонларда юрибсан? — Муродулла шундай деб, Азимнинг елкасига турди. Азим ҳам шуни кутиб турғандек икки қўллаб Муродулланинг кўксидан итарди. Яна муштлашув бошланди. Дарҳол томошаталаблар ҳам топилди. Азим бир-икки мушт туширди-ю, кўпроқ мушт еди. «Бу сафар ҳам калтак еб кетаверадиган аҳмоқ йўқ» деган ўй хаёлидан ўтди, қўйнидаги пичоқ қўлида пайдо бўлди, Муродуллага пичоқни ўқталиб «Менга яқинлашма!» дея ўшқирди.

Бироқ кучига ортиқча ишонган Муродулла бу таҳдидга парво қилмай, уни оёғи билан тепди. Азим пайт пойлаб қўлидаги пичоқни унинг кўксига санчди. Муродулла пичоқ зарбидан бир қалқди-ю, орқасига йиқилди. Томошага йиғилганлар орасида «Муродуллани ўлдириб қўйди!» деган қий-чув кўтарилди. Азим бу пайтда савдо расталари оралаб қочиб қолишга улгурди...

Қўлига кишан солингач, у бемаъни айтишув, жанжал туфайли катта фожиага сабабчи бўлгани, боши берк кўчага кириб қолгани ҳақида афсус-надомат билан ўйлади...

Гина-кудуратга асло ўрин йўқ жойда чиққан бемаъни можаро оқибатида Муродулланинг ёш умри завол бўлди, Тўрақулов Азим эса қотил деган тавқилаънатга учраб, узоқ йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

«Ёшлик — бебошлик» дейди халқимиз. Ана шу бебошлик безориликка айланиб, икки инсон умрига зиён етди. Икки йигит ўртасида талаш бўлган кўчалардан уларнинг ҳар иккиси-да энди юрмайди. Ўпкасини босолмай, ортиқча манманликка берилган, жаҳл, тажовузкорлик бобида «Сендан мен кам эмас» қабилида иш тутган навқирон йигитлар тақдири маҳалла-кўй ва катталарни ёшлар тарбиясида янада ҳушёрроқ бўлишга ўндайди.

Хайрулла КАМОЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг бош мутахассиси;
Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Истеъдод намойиши

Қашқадарё вилояти

«Бахшили эл ботирларни унутмас»

Деҳқонобод туманидаги Оқиртма қишлоғида ўттиз ёшгача бўлган бахшилар ҳамда сибизғи, чанқовуз каби миллий созларнинг ижрочилари ўртасида ўтказилган кўрик-танлов ана шундай номланди.

Тантаналар фольклор-этнографик дасталарининг чиқишлари билан бошланди. Ёш бахшиларнинг ҳар бир достонида, фольклор дасталарининг куй, қўшиқ, лапарларида мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан миллий қадриятлар, хусусан, бахшичилик санъати бардавомлигини таъминлаш ҳамда халқимиз орзу-умидлари, қувончу ташвишларини тараннум қилувчи миллий асарларни ёшлар ўртасида тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини кўриш ҳар бир қалбда қувонч уйғотди.

Кўрик-танловда қатнашган барча иштирокчиларнинг чиқишлари томошабин ва ҳакамларда катта таассурот қолдириб, ҳар бир ёш бахши ва соз ижрочисининг ижод намуналари муносиб баҳоланди ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Кино санъати кунлари

Вилоятда «Ўзбеккино» миллий агентлиги ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган ўзбек миллий кино санъати кунлари бошланди.

Уч кун давом этадиган тадбирдан кўзда тутилган асосий мақсад, ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини таъсирчан усулларда сингдиришдан иборатдир.

Тадбирнинг дастлабки куни Қарши шаҳридаги амфитеатрда Ўзбек миллий кино санъати кунларининг тантанали очилиш маросими ҳамда вилоят ахборот-ресурс марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбек миллий кино санъати кунлари доирасида кейинги йилларда суратга олинган Ватан, ҳурлик, миллий қадриятлар, саховатпешалик, бағрикенглик ғоялари талқин этилган ҳамда зарарли ва ёт ғояларга қарши кураш мавзусига бағишланган бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилмоқда. Марказдан ташриф буюрган киноижодкорларнинг вилоят шаҳар ва туманларида ёшлар билан бўлаётган учрашувлари кино санъати мухлисларида, айниқса катта таассурот қолдиряпти.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

Кўргазмада – мусаввирлар ижоди

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида "Тасвирий санъат ҳафталиги—2008" бошланди.

Ўзбекистон Бадиий академияси, Бадиий ижодкорлар уюшмаси ўтказаётган ушбу санъат байрами Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекис-тон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Тасвирий санъат ҳафталиги — 2008»ни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёш мусаввирларнинг ижодини кенг жамоатчиликка, айниқса ёшларга таништиришдан иборатдир. Ўзига хос санъат байрамига айланган ушбу тадбир санъатшунослар, рассомлар ва ёш ижодкорлар ўртасида тасвирий санъатнинг замонавий ривожланиш тамойилларига оид ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, ёшлар фаолиятини чуқур ва атрофлича таҳлил этиш имконини беради.

Барпо этилаётган муҳташам санъат саройлари, кўргазма заллари, болалар ва ёшлар бадиий ижодиёти марказлари, галереялар ёш авлодни комил инсон этиб тарбиялаш баробарида, уларнинг тафаккури ва дунёқарашини кенгайтириш, юксак бадиий-эстетик дидини шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги масъулиятли вазифалар «Ёшлар йили» Давлат дастурида ҳам муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Шу боис мусиқа, рассомлик, санъат, маданият соҳаларида ёшларнинг ижодий салоҳияти, истеъдоди ва қобилиятини барвақт аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шароит ва имконият яратиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳафталик мобайнида кўплаб қизиқарли маданий тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган. Ёш ижодкорлар кўргазмаси, миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъати асарларининг намойиши, устоз ижодкорлар иштирокида маҳорат сабоқлари, Республика тасвирий ва амалий санъати лицей-интернати ўқувчиларининг концерти, Республика рассомлик, дизайн коллежлари ўқитувчи ва талабалари ижодининг тақдимоти шулар жумласидандир.

Тасвирий санъат ҳафталиги Миллий либослар кўриги ҳамда Хоразм воҳаси ҳунармандлари, тасвирий ва амалий санъат усталарининг ижодий ишларидан иборат кўргазма билан очилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

СУРАТЛАРДА: *"Тасвирий санъат ҳафталиги—2008" доирасидаги тадбирлардан лавҳалар.*

Р.ШАГАЕВ (ЎзА) фотолари.

Тарихга шоҳид иншоотлар

Самарқанд вилояти

СОҒАРЖ довруғини дунёга таратган СОҒАРЖИЙ

Самарқанд шаҳридаги Руҳобод мақбараси Амир Темур салтанатининг дастлабки даврида, яъни XIV асрнинг ўрталарида маҳобатли иншоот тарзида қад ростлаган. Амир Темур мақбара таъминоти учун махсус вақфнома чиқарган бўлиб, ушбу тарихий ҳужжатнинг қолдиқлари Ўзбекистон давлат архивида сақланмоқда. Мақбарада ўз замонасининг алломаси, авлиё шайх Бурҳониддин Соғаржий сағанаси жойлашган.

Шайх Бурҳониддин Соғаржий ким, у улуғ зот қачон яшаган? Темурийлар сулоласи вакиллари мангу қўним топган Гўри Амир мақбараси рўпарасида жойлашган Руҳобод мақбараси кимнинг шарафига, қачон қурилган? Тарихшунос олим, таржимон Акмал РАЗЗОКОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— «Руҳлари обод бўлсин» маъносида номланган Руҳобод мақбараси ўн иккита қабрдан иборат бўлиб, оилавий хилхона ҳисобланади, — дейди А.Раззоқов. — Бу ерда шайх Бурҳониддин Соғаржий, у зотнинг рафиқалари биби Ҳанифа ҳамда фарзандлари дафн этилган. Шайхнинг асл исмлари Бурҳониддин бўлиб, Соғаржий тахаллусидир. Бу киши ҳозирги Оқдарё тумани ҳудудидаги, қадимда «Соғарж» деб номланган кентда туғилган. Баъзи манбаларда шайх яшаган давр XII-XIII асрлар дея қайд этилса, тарихчи Комилжон Каттаев эса уни халифа Умарнинг учинчи авлоди, дея эътироф этади. Бундан шайх IX-X асрларда яшаган, деган тахмин келиб чиқади. Демакки, шайхнинг туғилган вақти аниқ эмас.

Шайх Бурҳониддин Соғаржий Бағдод, Макка шаҳарларида бирқанча муддат яшаб, Каъбатиллода имомлик қилгани хусусида маълумотлар мавжуд. Сўнгра ҳозирги Хитой мамлакати ҳудудларида яшовчи халқларни ислом динига даъват этиш учун сафарбар этилган.

Шайх Бурҳониддиннинг қувваи зоҳираси, валийлик карорматлари хусусида кўпгина ривоятлар бор. Соғаржий Хитойга кетаётган чоғда, йўлда бир тоғ ёнбағрида дам олиш учун тўхтайди. Тоғдаги катта ғорга кирсалар, бир чол унга пешвоз чиқиб, «Марҳамат, ҳазрати Бурҳониддин Соғаржий» дейди. Шунда ҳазрат ҳайрон бўлиб, «Мени қандай танийсиз, ахир сизни биринчи бор кўришим» деганда, «Мен омонат авлодларидан учинчи авлодман. Пайғамбаримиз еттита соч толаси ва тўнини қолдириб, «Шу ғорга бир одам келади, бу омонатни ўшанга берасизлар» деган» деб жавоб беради. Ривоят қилишларича, ана шу омонатлар мис кўзада, ҳазрат қабрининг бош қисмида сақланаётан экан. Яна бир ривоятга кўра, ҳазратни олис юрт подшоси шундай тарзда синамоқчи бўлади: бўғоз сигирни келтириб, ҳазратдан «Мана шу сигирнинг ҳомиласи қанақа рангда, қандай белгиси борлигини айтинг-чи?» дейдилар. Шунда ҳазратга ҳамроҳ бўлган устози «Нишонанинг туси қора, пешонасида оқ доғи бор» деб жавоб беради. Бурҳониддин Соғаржий эса туғилажак жониворнинг ранги қора, аммо оқ доғ пешонасида эмас, думининг учида эканини айтади. Вақт ўтиб, туғилган бузоқчанинг Бурҳониддин Соғаржий таърифлаган белгилари борлиги аён бўлади.

Жаббор НАБИЕВ олган сурат.

Ҳазрат Хитой ҳукмдорининг қизига уйланиб, саккиз ўғил, икки қиз фарзандли бўлган. Авлоддан-авлодга ўтиб келган ривоятларга кўра, у киши вафотидан олдин фарзандларига, «Қазои қадрим етиб, жоним узилса, жасадимни туяга ортинглар, туя қаерга бориб чўксa, ўша ерга дафн қилинглар», дея васият қилади. Буни қарангки, туя ҳазратнинг ҳозирги дафн қилинган жойи — Руҳобод мақбараси ўрнига чўккан эмиш...

Қадим тарихшуноси Ибн Батута ёзиб қолдирган манбаларда, ҳазратнинг вафотидан сўнг унинг васиятига кўра, ўғли Абусаид отаси жасадини Самарқандга келтириб, дафн этгани баён этилган. Абусаид ўзи ҳам ота юртда қолиб, тахсил олади, кейинроқ Амир Темур салтанати арбобларидан бирига айланади. Шайхнинг ўғиллари Абусаид, Исомиддин ҳам Руҳобод мақбарасига дафн этилган, дейилади манбаларда.

Бурҳониддин Соғаржий қабрини соғлиги даврида одамлар муқаддас зиёратгоҳ деб билганлар. Зиёратгоҳ том маънода XIV аср охирларига келиб, Амир Темур даврида обод қиёфа касб этди. Қабр тепасига гумбазли мақбара қурилади ҳамда «Руҳобод» деб ном берилади. Бундан ташқари, элликдан зиёд мадраса ҳужралари, масжид бунёд этилади. Ушбу мадрасада минглаб толиби илмлар таҳсил олишган. Бу ҳақда Абу Тоҳирхўжанинг «Самария» асарида батафсил маълумот берилган.

Руҳободнинг кейинги тақдири унинг каби узоқ йиллар қаровсиз ётгач, истиқлол йилларидагина обод бўлган ва ўз маънавий-тарихий қадр-қимматини тиклаган ўнлаб муқаддас масканларнинг тақдиридан деярли фарқ қилмайди. Бир замонлар Руҳобод завод омборига ҳам айлантирилган эди. XX асрнинг 60-йилларида эса мақбарада ёнғин содир бўлди. Мақбаранинг неча асрлик тарихга эга бўлган тўртта эшигидан фақат биттасигина сақланиб қолган. Эшик пештоқига араб имлосида «Ҳар банда, мўмин шу даргоҳга келганда, ноумид бўлмасин» деган сўзлар ўйиб ёзилган.

Руҳобод мақбараси 1994 йилда буюк аждодларимиздан бири, Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейи муносабати Самарқандда амалга оширилган кенг кўламли ободонлаштириш ва қадим тарихига дахлдор иншоотларни реконструкция қилиш борасидаги чора-тадбирлар самарасида обод қиёфа касб этди. Бугунги кунда Руҳобод мажмуаси мақбара, масжид, мадраса биноларидан иборат. Атрофи кенг хиёбон. Мақбара атрофида сўзана, зардўзлик, кулолчилик каби 20 дан ортиқ миллий ҳунармандчилик йўналишларини бирлаштирган «Ҳунарманд» марказида ишлаб чиқарилаётган миллий ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси ва савдоси ташкил этилган.

Рустам ҲАЙИТОВ
ёзиб олди.

Тошкент шаҳри

Оила—маҳалла—мактаб ҳамкорлиги

«АЁЛ — УЛУҒ ЗОТ»

мактабда ўтган маърифий тадбир ана шундай номланди

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган Авиасозлар маҳалласида оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги доирасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур маҳаллада ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутувчи турли мавзулардаги маънавий-маърифий тадбирлар ҳудуддаги 226-мактаб жамоаси билан биргаликда ташкил этилади. «Аёл — улуғ зот» мавзусида ўтказилган тадбирга мактабда узоқ йиллар ёшларга таълим-тарбия берган фахрий ўқитувчилар, маҳалланинг пиру бадавлат онахонлари, фаол аёллари таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққан мактаб директори Набижон Ниёзов, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сирожиддин Алламуродовлар хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, мамлакатимизда уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди.

Ўқувчилар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, концерт дастури ва модалар намойиши даврага файз киритди.

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
Сурайё ИСҲАКОВА.

Билса ҳазил, билмаса...

РЎЙХАТ

...Тўлқин Дадилович бу корхонада бошлиқ бўлганидан бўён касбда уюшмаси қўмитаси раисининг хонасига илк бор қадам ранжида қилиши эди. Одати бўйича атрофни синчиклаб кузатаётганди, девордаги қандайдир рўйхатга кўзи тушди. Рўйхатда ўз фамилиясини биринчи ўринда кўраркан, негадир кайфияти тундлашди.

— Бу қанақанги рўйхат, Холмат Ҳалимович?

— Касаба уюшмаси аъзоларининг рўйхати.

— Шунақа денг? Яхши, яхши. Лекин рўйхатингиз давр талабига жавоб бермайди. Нимадир етишмаётгандек унда.

— Тушунмадим? Қандай бўлсин дейсиз, Тўлқин Дадилович?

— Ҳам эстетик жиҳатдан, ҳам...

— Тўғри айтасиз, ҳалиги... бироз бадхатроқ ёзилган. Уни бошқатдан чиройли қилиб кўчиртирамиз.

— Шошманг, хаттотликка улгурасиз. Аввал ундаги баъзи қусурларни тўғирлаш лозим.

Холмат Ҳалимович бу гапнинг мағзини чақиш учун бир зум ўйга чўмди. Ана шунда сезгирлиги асқотди.

— Ҳе, ҳалиги, кечирасиз, Тўлқин Дадилович, рўйхатни алифбо асосида тузгандик.

— Алифбо? Ҳа, ҳа тушунаман. Барибир қиттак ислоҳ қилишга тўғри келади-да. Умуман, шу рўйхатни алифбо асосида тузиш шартмикан? Тағин ўзингиз биласизку-я...

Бошлиқ шундай дейишга деди-ю, лекин бу суҳбатдан бир-икки кун ўтиб, касаба уюшма қўмитаси раисига ўша рўйхатни ола киришини тайинлаб, ҳузурига чорлади. Энди у алифбо ҳақида гапирмади. Рўйхатга кўз ташлади, унда фамилиялар жойлашуви ўша-ўша эди. У бир нима тўсатдан эсига келгандек:

— Кадрлар ва ишчи кучини саралаш, уларни жой-жойига қўйиб фойдаланиш бугунги кунда долзарб масала, тўғрими?, — деди.

— Албатта, Тўлқин Дадилович!

— Бас, шундай экан, бу масалада биз ташаббускор бўлмоғимиз даркор. Хўш, манави рўйхатнинг бошида турган Алимов Мардон дегани корхонамизда нима иш қилади, ўзи ким, нимани яхши кўради, нимани ёқтирмайди?

— Бош ҳисобчининг ёрдамчиси. Ишни яхши уддалайди. Лекин футбол деган жойда ўзини томдан ташлайди.

— Бундайларни бирор футбол жамоасига жўнатиш керак. Қизиққан соҳасида ишласа, ўзига ҳам, жамиятга ҳам кўпроқ фойда келтиради. Ундан кейин, футбол деган ур-йиқит ўйинга ашаддий ишқибоз бўлган кишига катта корхонанинг ҳисоб-китобини ишониб бўладими? Сизни қаранг-а, Холмат Ҳалимович, тағин уни рўйхатнинг тепасига чиқариб қўйибсиз-а!

Тўлқин Дадилович рўйхатга бир қур кўз ташлаб, яна ўша алфозда давом этди:

— Хўш, манави иккинчи... Бобоев Баҳодир дегани-чи?

— Сифат назорати бўлими ходими. Ҳуснихатчимиз, ёзув-чизув ишларини дўндиради. Зарурат бўлганда у кишидан рассом сифатида ҳам фойдаланамиз.

— Жуда соз, яхши ҳунари бор экан, рўзномагами, ойномагами ўтишига ёрдам қилайлик. Истеъдоди хор бўлмасин. Ажойиб расмлар чизсин, одамларга маънавий озуқа улашсин. Биз ҳам у билан фахрланиб юрайлик, ўзимиздан чиққан рассом, деб. Қалай, фикрим тўғрими?

— Албатта тўғри, ахир бу маслаҳатларингиз уларнинг фойдаси учун-ку! — деди Холмат Ҳалимович бошлиқнинг муддаосини тобора яхши тушуна боргандек.

— Яшанг, қанийди ҳамма сизу биздек тушунадиган бўлса. Хўш, давом этамиз. Манави Валиев Ваққос билан Ғани Ғадоевлар ҳам бирор соҳага қизиқишлари аниқ. Айтинг, ўз истеъдодларига яраша иш топишсин. Зарур бўлса, биз ҳам ёрдам қўлимизни чўзамиз.

— Маъқул, маъқул, Тўлқин Дадилович...

Хуллас, шу воқеадан бир ой вақт ўтар-ўтмай ўша рўйхат қайта ёзилди. Рўйхатнинг бошида катта ҳарфлар билан «Далилов Тўлқин Дадилович» деган ёзув турарди. Бошлиқ Холмат Ҳалимовични яна ҳузурига чорлаб, шундай деди:

— Яшанг, ишга масъулиятли ёндашув мана шунақа бўлади. Кадрлар бўлимидагиларга ҳам яхшилаб уқтиринг, ишга янги ҳодим олаётганда рўйхатни бузиб қўйишмасин. Ахир, уни тузатгунча она сутимиз оғзимизга келай деди-ку!

Холмат Ҳалимович йўлакда кетиб борар экан, эркин тин олиб мийиғида кулди:

— Хайрият, бизнинг исм-шариф алифбо охирида турадиг-я, йўқса...

Ғулом АЛИ

Биз билган ва билмаган дунё

Ўтмиш билан мулоқот

Флорида университетининг антропологлари ҳозирги Франция ҳудудида бундан 50 минг йил илгари яшаган неандертал одамларнинг нутқини қисман тиклашга муваффақ бўлишди.

Олимлар махсус мослама ёрдамида шуни аниқлашдики, ҳозирги кунда деярли ҳар бир тилдаги сўзларнинг асосини ташкил қилувчи унли товушларни қадимги одамлар ўз нутқида ишлатмаган экан. Америкалик антрополог олим Роберт Маккартининг айтишича, неандертал одамлар ҳиқилдоғининг ҳажми мулоқот чоғида унли ҳарфларни талаффуз қилишга тўсқинлик қилган. Шу боис "неандерталча" нутқ жуда қўпол бўлган, деб тахмин қилишмоқда олимлар.

Неандертал одамларнинг нутқи унча ривожланмаганлиги илмий жиҳатдан исботланган бўлса-да, яна бир гуруҳ мутахассислар аксинча, уларнинг нутқи яхши ривожланган ва бу ўз навбатида қадимги одамлар миясининг ҳажмига таъсир кўрсатган, деган фикрни илгари сурмоқдалар. Хусусан, Вашингтон университети антропологи Эрик Тринкаус ҳам неандертал одамларнинг мияси ҳажм жиҳатдан ҳозирги одамларникидан катта бўлгани, бунга эса айнан яхши ривожланган нутқ сабаб бўлиши мумкин, дея таъкидламоқда.

Утерянный гос. ордер № 00-21/13647 от 13.02.2002. Права собственности на квартиру на имя Саитов Махамеджан Максатович считать недействительным.

ЧП «SAODAT ASRI SAVDO» зарегистрировано в Юнусабадском хакимияте реорганизуется в ООО «SAODAT ASRI SAVDO».

Утерянные документы: чековая книжка, ордер, Извещение в трёх экземпляров 0402005-формы серии IP BN 2962681 по кассы № 13 С.Рахимовского районного филиала г.Ташкента АТИБ Ипотека-банка считать недействительным.

ХК «MILANO GOLD» МЧЖ га айлантирилади. Мурожаат учун: Тошкент ш. Охунбобоев майдони, «Чор-Су савдо маркази» ОАЖ ХК, «Туркуаз», тел: 187-87-07.

«Ҳунарманд» уюшмаси, «Сарвикамол», «Умид қурилиш», «Бойбўри-Меҳринисо» ва «Мухиддин қурилиш» хусусий корхоналари Тошкент вилоят хўжалик судининг 14.03.2008 йилдаги 11-0806/2263, 2264, 2265, 2266, 2268-сонли ажримларига кўра банкрот этилиши муносабати билан ушбу корхоналарнинг тўртбурчак ва думалоқ муҳрлари бекор қилинади.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Яқин кунларни руҳий зўриқиш билан ўтказишингиз эҳтимолдан йироқ эмас. Турли мавзудаги баҳс-мунозараларга барҳам бериш учун руҳан, ақлан ва жисмонан заҳмат чекасиз.

СИГИР(22.04-20.05)

Кўнгилли харидлар қиласиз, ёқимли суҳбатдошлар гурунгидан баҳраманд бўласиз. Лекин иш бошингиздан ошиб ётибди, ғайрат қилмасангиз бўлмайди!

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Яқинларингиз эътиборидан кўнглингиз кўтарилади. Жамғариб қўйган маблағингиз сезиларли даражада ортиши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Қайфиятингиз аъло, режалар кўп. Ғайрат-шижоатингиз жўшиб, ўзингизни яхши томондан намоён қилишни, меҳр қозонишни истайсиз. Олға!

АРСЛОН (23.07-22.08)

Сиз учун ортиқча вазифа ва масъулиятларни бўйиндан соқит қилиш, руҳиятингиз ва жисмингизга бироз дам бериш вақти етди. Имкониятлардан фойдаланинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ўринсиз гина-кудуратлар кўнглингизни хижил қилиши мумкин. Ўзингизни оқлаб ўтирманг, воқеалар ривожини ўз ҳолига ташлаб қўйинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Олдинроқ чала қолдирилган ишлар туфайли муаммо туғилиши мумкин. Важ-карсон топиш ўрнига, тезроқ ишга киришсангиз, олам — гулистон!

ЧАЁН (23.10-22.11)

Шу кунларда анчайин мураккаб вазифани зиммангизга юклашлари мумкин. Оила аъзоларингизнинг хайрихоҳлиги сизга руҳий мадад бўлади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Тасодифий танишув, сирли учрашув, йўл-йўлакай айтилган кўнгил изҳори... Айни кунларда буларнинг баридан сақланиб турганингиз маъқул.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шу кунларда хотиржам оёқ узатиб ётишни хаёлингизга ҳам келтирманг. Ҳар доимгидек қизғин фаолият, ташкилий ишлар, ҳамкорлик шартномалари ҳамроҳингиз бўлсин.

КОВҒА (20.01-18.02)

Хоҳ оилада бўлсин, хоҳ ишда янги таклиф ва ташаббусларни ўртага ташлашдан тортинманг. Сиз учун фаоллик кўрсатишнинг айни вақти.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Осмондаги ойни ваъда қилувчи ҳамкорлардан юз бурингу, сўзи ва амали бир кишиларга қулоқ солинг. Уларни фарқлашнинг уддасидан чиқолсангиз бас.

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими раиси Рустам Қутлимуродовга укаси **Баҳодир ХУСАИНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ: Шаҳноза Абдувалиева
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 23 апрель
17 (619)

17875 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-320 Топширилди — 02.40
1 2 3 4 5 6